

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2023 йил февраль ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида бўлиб,

Раислик этувчи: Х.Холиқов,

судья ёрдамчиси П.Джўраевнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона туман прокурорининг ёрдамчиси М.Эрматов, судланувчи Р.Холиқовнинг ҳимоячиси-адвокат Б.Сиддиқовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан Холиқов Равшанжон Иброхимовични айблаш ҳақидаги 1-1502-2301/3-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Холиқов Равшанжон Иброхимович, 1973 йил 21 август куни Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, Фарғона туманидаги “Водий сара қуёнлари” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келган, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг 2021 йил 17 сентябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, жиноят содир этилган вақдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида 11.150.000 сўм жарима жазоси тайинланган, 2022 йил 5 октябрь куни жаримани тўлиқ тўлаган, мазкур жинояти бўйича судланганлик ҳолати тугалланмаган;

2) жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2022 йил 30 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖК 59-моддасининг 3-қисмига асосан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Фарғона тумани, Миндон МФЙ, Миндон кўчаси, 8-уйда яшаб келган, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 30 декабрь куни почта орқали олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ҳар томонлама, атрофлича, тўла холисона текшириб чиқиб ва баҳолаб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и :

Судланувчи Р.Холиқов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, такроран, фирибгарлик, яъни ўзганинг анча миқдордаги мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган.



Яъни у, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, алдаш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил сентябрь ойининг охирларида Фарғона тумани, Марғилон МФЙ, Қувонч кўчаси, 77-уйда яшовчи таниши М.Ғофуро вада пул маблағлари борлигини билгани ҳолда, унга Фарғона тумани, Хонқиз МФЙ ҳудудида иссиқхонаси борлигини, иссиқхонасини сотиш учун ҳужжат қилаётганлигини, ҳужжат ишлари учун 3.000 АҚШ доллари миқдорда пул бериб турса, иссиқхонани сотиб пулларини қайтариб беришини ёлғондан айтиб, уни алдаб, унинг 3.000 АҚШ доллари анча миқдордаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Р.Холиқов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, такроран, алдаш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил сентябрь ойининг ўрталарида Фарғона тумани, Боймаҳалла МФЙ, Таянч кўчаси, 33-уйда яшовчи таниши У.Ботировга Фарғона тумани, Илғор МФЙ, Фаровон турмуш кўчасида жойлашган бўш ер майдонини номига кадастр ҳужжатларини тайёрлатиб беришлигини ёлғондан айтиб, уни алдаб, ундан 4.000 АҚШ доллари анча миқдордаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Судланувчи Р.Холиқов судда, айбига иқроп бўлиб, у 2021 йил сентябрь ойида ўзига тегишли бўлган Фарғона тумани, Хонқиз МФЙ ҳудудида жойлашган иссиқхонани ҳужжатларини қилиш учун пул керак бўлиб қолиб, таниши М.Ғофуро вага иссиқхонасини ҳужжатларини қилиш учун унга 3.000 АҚШ доллари пул кераклигини, иссиқхонасини ҳужжатларини қилдириб бўлганидан сўнг уни сотиб, унга пулларини қайтариб беришини айтиб, ундан 3.000 АҚШ доллари олиб иссиқхонасига сарфлаб, лекин, иссиқхонасини сота олмаганини, шунинг учун унга пулларини бера олмаганини, бундан ташқари, 2022 йил сентябрь ойи ўрталарида таниши С.Сатторов унга қўнғироқ қилиб, Фарғона тумани, Боймаҳалла МФЙда яшовчитаниши У.Ботировга ёрдам беришини илтимос қилганини, кейин У.Ботиров у билан телефон орқали боғланиб, унга Фарғона тумани, Илғор МФЙ, Фаровон турмуш кўчасида жойлашган уйи олдида эгасиз бўш ер майдони борлигини, ўша ерга узум кўчатлари экканлиги ҳақида айтиб, ушбу ерга кадастр ҳужжатлари тайёрлашда ёрдам беришимни илтимос қилганини, кейин у билан Фарғона шаҳар ҳокимлиги ёнида жойлашган меҳмонхона учрашганида, у унга яна бир бор ернинг кадастр ҳужжатларини тайёрлашда ёрдам беришимни илтимос қилганини, унга танишлари орқали аукционда ерни унинг номига ҳужжатлаштириб беришини, ҳизмат ҳақи эвазига 5.000 АҚШ доллари, ишни битириш учун олдиндан 2.000 АҚШ доллари беришини айтганини, кейин улар Фарғона тумани, Чимён қишлоғи марказига келишиб, У.Ботиров унга таниши С.Сатторовнинг гувоҳлигида 2.000 АҚШ доллари берганини, у пулларни олиб эҳтиёжлари учун ишлати юборганини, шундан сўнг, 2022 йил октябрь ойи бошларида у У.Ботировга қўнғироқ қилиб, унга ишни битказиш учун яна 1.000 АҚШ доллари беришини айтганини, кейин у У.Ботировнинг уйига бориб, уни акаси Д.Сариковдан 1.000 АҚШ доллари олиб, уни ўзининг ишларига сарфлаганини, орадан 10-15 кун вақт ўтиб, яна У.Ботировга қўнғироқ қилиб, унга ишни битириш учун яна 1.000 АҚШ доллари



беришини айтиб, ундан Фарғона шаҳар, Текстил ҳудудида жойлашган шифохона ёнида яна 1.000 АҚШ доллари пул олиб, шахсий ишлари учун сарфлаб юборганини, кейинчалик У.Ботиров унга қўнғироқ қилиб, ундан ернинг кадастр ҳужжатларини сўраганини, унга бироз сабр қилишини, ҳужжатларни тайёрлатаётганини, агар ҳужжатларни тайёрлатиб бера олмаса, унга пулларини қайтариб беришини айтганини, лекин, унинг имкони бўлмаганлиги сабабли унга пулларини қайтариб бера олмагани ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда у жабрланувчи М.Ғофуровага етказилган 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги ва жабрланувчи У.Ботировга етказилган 4.000 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи М.Ғофурова судда, 2021 йил сентябрь ойида таниши Р.Холиқов унга Фарғона тумани, Хонқиз МФЙ ҳудудида ўзига тегишли бўлган иссиқхонаси борлигини, уни ҳужжатларини қилиш учун унга пул кераклигини айтиб, ундан 3.000 АҚШ доллари қарз бериб туришини, тез кунларда иссиқхонасини сотиб, пулни қайтаришини айтганини, у унга ишониб 3.000 АҚШ доллари бериб юборганини, шундан сўнг, орадан маълум муддат ўтганидан сўнг, у Р.Холиқовдан пулини сўраганида, у унга иссиқхонага яхши харидор топиб сотиб, унинг пулини қайтариб беришни айтиб, лекин, Р.Холиқов иссиқхонасини сотолмаётганлигини, у бир неча бор Р.Холиқовдан қарзини қайтариб беришни сўраганини, лекин, у ҳар-хил баҳоналар қилиб, 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини қайтариб бермаганлиги сабабли, 2022 йил 19 декабрь куни Фарғона вилояти ИИБнинг “102” ишонч телефонига мурожаат қилганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда Р.Холиқов унга етказилган 3.000 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, унга нисбатан қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи У.Ботиров судда, 2022 йил март ойида Фарғона тумани, Илғор МФЙ, Фаровон турмуш кўчасида жойлашган уйи рўпарасида 20 сотих ер майдонини тозалаб, у ерга экин экиб парваришлаб келганини, у ерга кадастр ҳужжатлари тайёрламоқчи бўлиб, 2022 йил сентябрь ойи ўрталарида у бу ҳақда таниши С.Сатторовга айтганида, у унга Фарғона тумани, Миндон МФЙда яшовчи Р.Холиқов кадастр ҳужжатлари тайёрлашда ёрдам беришини айтиб, унинг телефон рақамини унга берганини, кейин у билан телефонлашиб, у билан Фарғона шаҳар ҳокимлиги биноси ёнида жойлашган меҳмонхона олдида учрашиб, унга бу ҳақда айтганида, Р.Холиқов унга жами 6.000 АҚШ доллари, дастлаб унга 2.000 АҚШ доллари, қолганини кейин беришини айтганини, унга ерни аукцион орқали қонунийлаштиришнинг имкони бўлса, аукционда ҳам катнашаверишини айтганини, у аукцион шарт эмаслигини, келишилган пулларни берса, унинг ўзи ерни кадастр ҳужжатларини тайёрлатиб, унинг номига расмийлаштириб беришини айтганини, у унинг гапларига ишониб, таклифига рози бўлиб, унга ўша ер майдонини кўрсатганини, кейин улар Фарғона тумани, Чимён қишлоғи марказига келиб, таниши С.Сатторов гувоҳлигида унга 2.000 АҚШ доллари берганини, шундан сўнг, 2022 йил октябрь ойи бошларида акаси Д.Сариқов орқали Р.Холиқовга 1.000 АҚШ доллари берганини, орадан 10-15 кун вақт ўтиб, Р.Холиқов унга қўнғироқ қилиб,



яна 1.000 АҚШ доллари беришини, кечкурун ер ҳужжатларини қўлига олишини айтганини, кейин унга Фарғона шаҳар, Текстил ҳудудида жойлашган шифохона ёнида яна 1.000 АҚШ доллари берганини, Р.Холиқов унга ерни ҳужжатлари тайёр бўлаётганини, қўлига беришини айтиб, уни ишонтирганини, 2022 йил 16 ноябрь куни Р.Холиқов билан кўришиб, ундан ерни кадастр ҳужжатлари беришини ёки пулларини қайтариб беришини сўраганида, Р.Холиқов унга сабр қилиб туришини, пулларини қайтариб беришини айтиб, унга пулларини қайтариб бермаганини, кейин у 2022 йил 4 декабрь куни Фарғона вилояти ИИБнинг “102” ишонч телефонига мурожаат қилганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда Р.Холиқов унга етказилган 4.000 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, унга нисбатан қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Шунингдек судланувчи Р.Холиқовнинг айби: ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари билан (11-18 и.в.), гувоҳ Д.Сариков ва С.Сатторовларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари билан (29-35 и.в.) ҳам тасдиқланган.

Суд, судланувчи Р.Холиқовнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан Р.Холиқовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 4-бандида фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши, фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти тааллуқли бўлиши мумкинлиги;

5-бандида, фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозимлиги;

8-бандида, агар шахс ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида “Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади” -деб, кўрсатилган.

Судланувчи Р.Холиқов жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг 2021 йил 17 сентябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, жиноят содир этилган вақдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида 11.150.000 сўм жарима жазоси тайинланган, 2022 йил 5 октябрь куни жаримани тўлиқ тўлаган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 77-моддасининг “в” бандига асосан, Р.Холиқов жаримани тўлиқ тўлаган кундан бир йил ўтмаганлиги учун мазкур жинояти бўйича ҳали судланганлик ҳолати тугалланмаган, шунинг учун у тергов органи томонидан унинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда жиноят содир этганлиги ҳолатига тўғри ёндошилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Р.Холиқов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, такроран, фирибгарлик, яъни ўзганинг анча миқдордаги мулкани алдаш йўли билан қўлга киритиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган:

- яъни у, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, алдаш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил сентябрь ойининг охирларида Фарғона тумани, Марғилон МФЙ, Қувонч кўчаси, 77-уйда яшовчи таниши М.Ғофуровада пул маблағлари борлигини билгани ҳолда, унга Фарғона тумани, Хонқиз МФЙ ҳудудида иссиқхонаси борлигини, иссиқхонасини сотиш учун ҳужжат қилаётганлигини, ҳужжат ишлари учун 3.000 АҚШ доллари миқдорида пул бериб турса, иссиқхонани сотиб пуллари қайтариб беришини ёлғондан айтиб, уни алдаб, унинг 3.000 АҚШ доллари анча миқдордаги пуллари фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб;

- бундан ташқари, Р.Холиқов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, такроран, алдаш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил сентябрь ойининг ўрталарида Фарғона тумани, Боймаҳалла МФЙ, Таянч кўчаси, 33-уйда яшовчи таниши У.Ботировга Фарғона тумани, Илғор МФЙ, Фаровон турмуш кўчасида жойлашган бўш ер майдонини номига кадастр ҳужжатларини тайёрлатиб беришлигини ёлғондан айтиб, уни алдаб, ундан 4.000 АҚШ доллари анча миқдордаги пуллари фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандидаги жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик



даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керакли ҳақида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 26-бандида ва ЖК 168-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги қайд этилган Олий суд Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилиб:

- судланувчи Р.Холиқовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда айбига иқдорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, икки нафар фарзанди борлигини, жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ва жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

- шунингдек Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан тайинланган жазони ва жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг 2022 йил 30 декабрдаги ҳукм кўра тайинланган жазонинг тўлиқ миқдорини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, Фарғона тумани прокурорининг келтирилган зарарларни ундириш юзасидан киритган даъво аризаси борасида, иш бўйича етказилган зарарларнинг бартараф этилганлигини эътиборга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 467-468, 471-473 ва 476-моддаларига асосланиб, суд

#### **ҳ у к м    қ и л а д и :**

Холиқов Равшанжон Иброхимович Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбдор деб топилсин.

Холиқов Равшанжон Иброхимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан тайинланган жазони ва олдинги ҳукм юзасидан тайинланган жазонинг тўлиқ миқдорини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 4 (тўрт) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 13 декабрдан ҳисоблансин.

Холиқов Равшанжон Иброхимовичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, қамоққа олинсин.



Холиқов Равшанжон Иброхимович бошқа жиноят иши бўйича 10-сон ТҲда жазо ўтаётганлиги эътиборга олинсин.

Фарғона тумани прокурорининг келтирилган зарарларни ундириш юзасидан киритган даъво аризаси борасида, иш бўйича етказилган зарарларнинг бартараф этилганлиги эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчилар эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

Х.Холиқов

нусхаси аслига тўғри:

